



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 6 ноябрь, № 229 (7187)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий хунармандчилигини кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро таъриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий аъёнлар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивалини (кейинги ўринларда) Фестиваль деб аталади) ташкил этиш, биринчи марта ушбу фестивални ҳамда фестиваль доирасида “Хунармандчилик ва халқ

амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференцияни 2019 йилнинг 10 — 15 сентябрь кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловача мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидада низоми ҳамда 2019 йилда Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ташкилий қўмитага (А. Арипов): Фестивални ўтказиш бўйича кўзда тутилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Фестиваль совриндорларига топширилаётган диплом, сертификат, хайкалчадан намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар-

ни ҳал этиш вазифалари юқолгансин.

4. Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг уларни Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

хорижий давлатлардан маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, мутахассислари, соҳа олимлари ва фахрий меҳмонларни Фестивалга таклиф этишда Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмасига амалий ёрдам кўрсатсин;

Фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмасининг буюртма-номааларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундиришмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХУЗУРИДА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ МАРКАЗИНИ (ТИАС) ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори даражада қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодийни либераллаштириш, сармоядорлар, айниқса, хорижий инвесторлар фаолияти учун қўлай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда низолазни ҳакамлик судларида ҳал қилиш механизмининг жорий этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, аввало, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга тўқсинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан:

**биринчидан**, Ўзбекистон ҳудудида халқаро арбитражлар фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги низолазни ҳал этиш учун хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган халқаро арбитражларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган хорижий инвесторлар

ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари сарф-харажатларининг ошишига олиб келмоқда;

**иккинчидан**, амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”-ги Қонуни томонларнинг инвестициялар билан боғлиқ низолазни халқаро арбитраж соҳасидаги стандартларга мувофиқ, хорижий арбитражларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш имкониятларини чекламоқда;

**учинчидан**, Ўзбекистонда халқаро арбитраж қарорларини ижро этишининг аниқ ҳуқуқий механизмлари шакллантирилмаганлиги хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда республиканинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтирмақда;

**тўртинчидан**, маҳаллий арбитраж ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти йўлга қўйилмаган.

Инвестициялар билан боғлиқ низолазни халқаро арбитраж орқали ҳал этишининг замонавий ва халқаро стандартларга асосланган механизмларини шакллантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатларини

мустаҳкамлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлигининг нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Тошкент халқаро арбитраж марказини ташкил этиш** (кейинги ўринларда — Марказ) тўғрисидаги таклифга розилик берилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйилганлиги белгилансин:

а) турли давлатларда жойлашган тижорат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ўртасида юзага келаётган шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолазни, хусусан, инвестициялар, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ низолазни халқаро арбитраж орқали ҳал этишни ташкил этиш;

б) низолазни халқаро арбитраж ва низолазни ҳал этишининг бошқа муқобил усуллари орқали ҳал этиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

### МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

Жорий йилнинг 3 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасида 2018 йилнинг кутилаётган якунлари ҳамда

Ўзбекистон Республикасининг

2019 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг босқичма-босқич амалга оширилиши, иқтисодиёт соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қабул қилинган чоралар жорий йил учун белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаб бераётгани таъкидланди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги эркинлигини ошириш, солиқ солинадиغان базани кенгайтириш, шунингдек, аграр секторини ислоҳ қилиш ва валюта бозорини либераллаштириш бўйича қабул қилинган тадбирлар натижасида 2018 йил якунларига кўра, Давлат бюджетига даромад тушумлари прогноз кўрсаткичларининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

Давлат бюджети параметрларининг даромад қисми прогноз кўрсаткичлари ошириб бажарилиши харажатларни кўпайтиришга, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва ижтимоий соҳа бошқа йўналишларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сифатини оширишга йўналтирилган ижтимоий соҳадаги давлат дастурларини амалга ошириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини оширишга имкон яратди.

2018 йилда республика бюджетидан арзон уй-жойлар қурилишини тижорат банкларининг кредит линиялари орқали молиялаштиришга 3,8 триллион сўм, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига 1 527,6 миллиард сўм, “Yoshlar — kелajagimiz” дастурига 500 миллиард сўм, шунингдек, янги ташкил этилган Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш

жамоат фондида 300 миллиард сўм қўшимча маблағлар йўналтирилди.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ижроси, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш, шунингдек, жағмаларини шакллантириш учун қарийб 4,5 триллион сўм йўналтирилди.

Йиғилишда келгуси йиллар учун ишлаб чиқилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрлари бўйича ёндашув ва таклифлар ҳар томонлама муҳокама этилди.

2019 йилдан бошлаб Давлат бюджетини прогноз йил учун ва бюджет мўлжалларини келгуси икки йил учун тасдиқлаш орқали бюджетни ўрта муддатли режалаштириш механизми жорий этилаётгани таъкидланди.

Солиқ ва бюджет сиёсатини такомиллаштириш, бюджетларро муносабатларини янада мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг манзилилигини оширишга қаратилган тизимни яратиш, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг инфляцияга таъсирини баҳолаш асосида табақалаштирилган ҳолда ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни 2019 йилда ҳам давом эттириш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## Депутат фикри

### Ўзбекистон — АҚШ:

## Савдо муносабатлари жадал ривожлантириш

Тараққиёт йўлимизнинг янги босқичида

ташкил дунё билан нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатли муносабатларни юқори даражада кўтаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон ва АҚШ давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ҳамда уларда эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жорий йил 23 октябрь куни АҚШ савдо вазир Уилбур Росснинг мамлакатимизга ташриф буюриши ҳам бу борадаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Маълумки, Америка Қўшма Штатлари иқтисодий кўрсаткичлари бўйича жаҳондаги етакчи мамлакат бўлиб, йиллик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18 триллион доллардан ортиқ. Бундай ютуққа эришишда мамлакат иқтисодиётининг юксак даражада диверсификациялашгани билан бир вақтда, ишлаб чиқаришда инновацион ечимларнинг кенг қўлланилиши асосий омиллардан бўлиб хизмат қилган.

АҚШнинг бундай марра-ни эгаллашига ўзига хос ҳисса қўшган таниқли шахслардан бири — савдо вазирининг мамлакатимизга ташрифи, ўз навбатида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Океанorti мамлакат бозорига кўпроқ киритиш учун муҳим имконият яратди.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва АҚШ савдо вазир ўртасида бўлиб ўтган учрашувда давлатлараро ўзаро савдо ҳажминини ошириш, АҚШ етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари, илгор технологиялари ва тажрибасини жалб этган



## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги вақтда иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрланган.

## Долзарб қонун лойиҳаларида фуқаролар манфаатлари акс этмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кенгайтирилган йиғилиш мазкур қонун лойиҳаларининг кенг жамоатчилик муҳокамасига бағишланди. Унда депутатлар, қонун лойиҳалари бўйича ишчи гуруҳ аъзолари, Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, экспертлар, олимлар, нодавлат ташкилотлар ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан муҳокама қилинаётган қонун лойиҳа-

ларининг ўта долзарблиги таъкидланди. Айниқса, мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳада мавжуд бўлган қатор қонунчилик ҳужжатларидаги процедураларга оид масалаларнинг бирлаштирилиши билан қонунлардаги нормаларнинг “тўғридан-тўғри” амал қилинишига эришилишини таъминлаш алоҳида айтиб ўтилди.

Чунончи, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ишлатилган тушунчаларни бир хилда талқин қилиш мақсадида 1969 йилдаги Вена конвенцияси ҳамда хорижий давлат-



## Фахр

Навоий кон-металлургия комбинати дунё кончилиги тараққиётининг улкан ютуқларидан бири, десак, муволага бўлмайди. Бинобарин, унинг сайёраимиз қазилма бойликларини ўзлаштириш харитасида пайдо бўлиши шунчаки воқеликкина эмас, балки ҳақон стратегик хом ашё мувозанатида ҳам ўзгариш ясаб, Ўзбекистон салоҳиятини намоён этди. Комбинат қисқа фурсатда Ер юзидаги олтин ва уран ишлаб чиқарувчи компаниялар рўйхатининг биринчи ўнгаллигига киргани бунга яққол мисолдир. Қуввати, фаолият юритаётган ҳудуди қўламини, халқ ҳўжалигидаги самараси, маҳсулот тури, жамоа таркиби ва уларни ижтимоий ҳимоялаш жиҳатидан у МДХда юксак мавқеда туради.



# ДУНЁ СТРАТЕГИК ХОМ АШЁ МУВОЗНАТИДА ЎЗГАРИШ ЯСАГАН ЙИРИК МАЖМУА

Айни пайтда Навоий кон-металлургия комбинатида умумий қиймати **3 000 000 000** долларликдан зиёд 27 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги Қўқон шаҳрида кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган сахна майдонлари ва жойлар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

7. Маданият вазирлиги Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадийий жиҳатдан бетакорр усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарий ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, уста-хунармандлар, сахна расмчилари, истеъдодли ёш санъаткорларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

8. Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Бадийи академияси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Қўқон шаҳридаги марказий майдоннинг ён ат-

рофида хунармандчилик санъатига оид турли кўргазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий хунармандчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, хунармандчиликка оид бадийий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқишини ва унинг Фестивалдан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилишини, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ихтимойий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль доирасида миллий либослар кўргазмали чиқишлари, аския ва қизилқорлар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Фестивалнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда хорижий сайёҳлари Фестивалга жалб қилиш чоралари қўрилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва

Фарғона вилояти ҳокимлиги Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиш чораларини кўрсинлар.

10. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Фестиваль қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмаси буюртмаларига мувофиқ, белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш чораларини кўрсинлар.

11. Фестивалга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қўйидаги тартибда:

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

|                                           |
|-------------------------------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b> |
| Тошкент шаҳри,<br>2018 йил 1 ноябрь       |

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ МАРКАЗИНИ (TIAC) ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) етакчи хорижий арбитражлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро арбитраж орқали низоларни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, Марказда низоларни ҳал этишга хорижий арбитрарларни жалб қилиш;

г) халқаро арбитраж, шу жумладан, инвестициялар билан боғлиқ низоларни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

д) маҳаллий ва хорижий ҳўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, хорижий инвесторларга инвестиция билан боғлиқ, шу жумладан, томонлардан бири давлат бўлган низоларнинг ву-жудга келишининг олдини олиш соҳасида консультация хизматларини кўрсатиш;

2. Белгилансинки: Марказга арбитраж сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган мутахассислар билан бир қаторда хорижий давлатлар фуқароси бўлган ма-лакали арбитрарлар ҳам жалб этилиши мумкин;

томонларнинг келишувига кўра, низоларни ҳал этишда Марказ арбитрарлари томонидан бошқа, шу жумладан, хорижий давлатнинг ҳуқуқи қўлланиши мумкин;

Марказ арбитрарларининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақамали судлари қарорларини ижро этиш учун қонун ҳужжатларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган тартибда ижро этилади;

Марказда ёзишмалар ва иш юритиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади;

судлар ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда арбитраж ишлари қўрилиши-да далиллар олиш, тўплаш, Марказ арбитрарлари қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича чоралар қўриш бо-расида Марказга кўмаклашади;

Марказнинг Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган арбитрарлари арбитраж функцияларини бажаргани учун гонорар сифатида олинган маблағлар қисми учун жисмоний шахсларнинг даромадидан олиннадиган солиқ тўлаш-дан озод этилади;

низоларни халқаро арбитраж йўли билан ҳал этишга хорижий давлатлар

фуқароларини Марказ арбитрарлари ва экспертлар сифатида жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш талаб этилмайди;

низои халқаро арбитраж орқали қўриб чиқиш учун аризаларни қабул қилиш, шунингдек, эшитувлар ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларидаан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда, арбитрарлар ва томонларнинг иштирокисиз амалга ошири-лиши мумкин;

Марказда низоларни халқаро ар-битраж орқали ҳал этишда иштирок этаётган томонларнинг вакилларида арбитраж қарорлари Ўзбекистон Рес-публикасининг ваколатли судларида қайта қўриб чиқилганда, шунингдек, Марказда қўриб чиқилаётган арбитраж низолари бўйича ҳар қандай масала-лар белгиланган тартибда қўриб чи-қилганда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицен-зиянинг мавжуд бўлиши талаб этил-майди;

Марказ қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда низоларни медиация тамойиллини ўтказиш орқали ҳал этиш ва низоларни ҳал этишининг бошқа му-қобил усулларини қўллаш ҳуқуқига эга; юридик шахсларнинг Марказда ни-зони қўриб чиқиш билан боғлиқ ар-битраж ҳаракатларини тўлашга йўнал-тириладиган маблағлари қўшилган қиймат солигидан озод этилади;

Марказ ўз номи тўширилган бланк ва думалок муҳрга, тижорат банкла-рида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин.

3. Маълумот учун қабул қилинсин-ки, ЕХТҲ ва БМТ Тараққиёт дастури-ни, ЎЗБЕКИСТОН Республикасидаги ваколатхоналари томонидан Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни ташкил этишда кўмаклашишга қизи-қиш билдирилган;

4. Белгилансинки: Марказ қошида унинг фаолиятига халқаро стандартларни жорий этишга кўмаклашиш мақсадида арбитраж со-ҳасидаги етакчи халқаро ва маҳаллий мутахассислардан, шунингдек, жаҳон-нинг эътироф этилган арбитраж мар-казлари арбитрарларидан иборат Куза-тув кенгаши ташкил этилади;

Марказга Ўзбекистон Республика-си Савдо-саноат палатаси раиси то-монидан, қондага кўра, етакчи хори-

жий халқаро арбитражларда арбитраж сифатида ишлаш тажрибасига эга шахслар орасидан тайинланадиган раҳбар бошчилик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Сав-до-саноат палатаси белгиланган тартибда:

икки ҳафта муддатда Марказ Кузатув кенгаши таркибини шакллан-тириши;

бир ой муддатда Марказ Қоидалари, тузилмаси ҳамда асосан, етакчи хорижий халқаро арбитражларда ишлаш тажрибасига эга ва Марказ Кузатув кенгаши томонидан маъқул-ланган арбитрарлар рўйхатини шакллан-тириш ва тасдиқлашни;

бир ой муддатда етакчи халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, ушбу қарор ва Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйи-ча комиссиясининг “Халқаро савдо ар-битражи тўғрисида”ги намунавий қону-ни талабларига мувофиқ “Халқаро ти-жорат арбитражи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишини яқунлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кири-тиши таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказнинг буюрт-маномаларига кўра Марказ арбитрарла-ри, Кузатув кенгаши аъзолари, экс-пертлар, томонларнинг вакиллари, Марказ зиммасига юклатилган вазифа-ларни бажариш учун жалб этилади-ган бошқа хорижий мутахассислар-га кириш визалари консуллик ва бошқа йўғимларни ундирмаган ҳолда расмий-лаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказ буюртманомаларига кўра Марказ арбитрарлари, Кузатув кенгаши аъзолари, эксперт-лар, томонларнинг вакиллари, Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб этиладиган бошқа хорижий мутахассисларга ва уларнинг оила аъзоларига визалар муддати узайтирилишини, шунингдек, улар вақ-тинча яшайдиган жойда вақтинчалик рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтириши давлат божини ундирма-ган ҳолда белгиланган тартибда таъминласин.

|                                           |
|-------------------------------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b> |
| Тошкент шаҳри,<br>2018 йил 5 ноябрь       |

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Долзарб

қонун лойиҳаларида

фуқаролар манфаатлари

акс этмоқда

1➡ Ҳужжатда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартномаларнинг ба-жарилиши бўйича мониторинг олиб бориш механизми ҳам кенгайтирил-ган. Қайд этиб ўтилганидек, ушбу қоида давлат органларининг халқа-ро шартномалар соҳасидаги иши-ни мувофиқлаштириш бўйича мам-лакат ташқи сиёсий идораси фео-лиятининг самарадорлигини янада ошириш имконини беради. Шунин-гдек, унда республика давлат органлари томонидан халқаро шар-тномалар шартларининг бошқа иш-тирокчилар бажармаслиги ёки ло-зим даражада бажармаслиги аниқ-ланган ҳолатлар тўғрисида дарҳол Ташқи ишлар вазирлигида ахборот бериш бўйича қондалар қиритил-ган бўлиб, булар бундай ҳаракат-ларга қарши ўз вақтида ва лозим даражада чора қўришга кўмаклаша-ди.

Йигилишда Консуллик устави лойиҳасига киритилаётган ўзгариш-ва қўшимчалар қизгин муҳокама этилди.

Мазкур ҳужжат консуллик ман-сабдор шахси, шунингдек, фахрий консулнинг ҳуқуқий мақоми, улар-

ни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тартиби белгиланиши ҳамда амалга ошириладиган консуллик функцияларини тартибга солишни кўзда тутди. Унда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ретрапациясини ҳамда паспорт ва бошқа ҳаракатлашни ҳужжатлари йўқотилган ёҳуд муддати ўтган тақ-дирда қайтиш учун гувоҳнома бериш ҳамда яшаш учун зарурий маблағларсиз қолган мамлакатимиз фуқароларига кўмаклашиш бўйича тегишли вазифалар белгиланмоқда.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу қонун лойиҳаларининг қабул қили-ниши юртизмизнинг миллий манфа-атларини ҳимоялаш, халқаро шарт-нома ва келишувларни самарали ижросини таъминлаш ҳамда чет эл-даги Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Конструктив рўхда ўтган тадбир-да қонун лойиҳаларини янада тако-милаштириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Ўзбекистон — АҚШ:

Савдо

муносабатлари

жадал ривожланяпти

1➡ Ташхилла-римиздан аёниқ, Ўзе-бекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги савдо муносабатлари-да тадбиркорларимиз-га ишлаб чиқарган мах-сулотларини Америка бозорига имкон қадар қулайлиқ билан ки-ритишга шароит яратилмоқда.

Шу билан бирга, 2018 йил биринчи ярим йиллиги яқунларига кўра, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги товар айланимдада экспорт ҳажми импортга нисба-тан 16 марта камлиги эришилган келишув-лардан қанчалик фой-даланиш имконимиз катта эканини намёнён этипти.

Хулоса ўрнида ай-тиш жоизки, АҚШ сав-до вазирининг юрти-мизга ташрифи соҳада ечимини қутиб турган

бир қатор масалалар-ни ижобий ҳал этишга яхши шароит яратди. Ўз навбатида, бу биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдига ҳам муҳим вазифалар-ни қўймоқда. Мамлака-тимиздаги амалдаги савдо муносабатлари-га доир норматив-хуқуқий ҳужжатларни қиска муддатларда яна бир талловдан ўтказиш, уларни халқаро талаб-лар даражасида уйғун-лаштирган ҳолда, “Сав-до тўғрисида”ги Ўзе-бекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш шулар жумласи-дандир.

**Ёрмасот ХОЛИЁРОВ,**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси Олий**  
**Мажлиси Қонунчилик**  
**палатаси депутати.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармони билан тасдиқлан-ган Солиқ сиёсатини тако-милаштириш концепция-сининг асосий йўналиш-лари доирасида 2019 йилдан эътиборан:

1) иш ҳақи фондида солиқ юки қўйидагича камайтирил-моқда:

жисмоний шахслардан олиннадиган даромад соли-гининг ягона ставкасининг 12 фоиз миқдоридан ўрна-тилиши ва фуқароларнинг мажбурий сугурта бадалла-рининг (иш ҳақидан 8 фоиз) бекор қилиниши натижаси-да “қўлга” тегадиган иш ҳақи миқдори ўртача 6,5 фоизга ошад;

иш ҳақи фондидан ягона ихтимойий тўлов миқдори 12 фоизгача пасайтирилмоқда; 2) давлат мақсадли жа-мғармаларига айланмадан (оборотдан) 3,2 фоиз миқ-дорида ундириладиган маж-бурий ажратмалар бекор қилинмоқда;

3) юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкала-ри 14 фоиздан 12 фоиз-гача, тижорат банклари учун — 22 фоиздан 20 фо-изгача, дивиденд ва фоиз қўрунишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан солиқ — 10 фоиздан 5 фо-изгача, юридик шахслар мол-мулк солиғи — 5 фоиз-дан 2 фоизгача пасайтирил-моқда.

Мазкур чоралар натижа-сида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар ихтиёрида қарийб 10 триллион сўм маблаг қолади.

Ушбу чоралар билан бир қаторда, йигилиш қатнаш-члари томонидан ресурслар-дан оқилана фойдаланиш ва бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлашга йўналтирилган солиқ сивеса-тини такомиллаштириш со-ҳасидаги қўшимча тақлиф-лар атрофида қўриб чиқил-ди, жумладан:

мутлак миқдорларда белгиланган солиқ ставка-ларини индексация қилиш (ер солиғи, сув ресурслари-дан фойдаланганлик учун солиқ, акциз солиғи);

сигарета учун акциз со-лиғи бўйича қатъий белги-ланган ставка билан бир қаторда адевалор ставкаси-ни жорий этиш;

якка тартибдаги тадбир-корлик субъектлари ва меҳ-нат фаолиятининг ҳисоби юритилиши мураккаб бўлган шахслар учун фуқаролар-нинг сугурта бадаллари ўрнига ягона ижтимоий тўловларни жорий этиш (сугурта бадалларининг бе-кор қилиниши сабаби);

айрим турдаги фойдали қазилмалар (қум, оҳак, ша-ғал ва бошқалар) учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича мутлак миқдорларда қатъий белги-ланган энг кам ставкаларни қиритиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатла-рида қабул қилинган давлат дастурлари, Ўзбекистон

Республикаси Президенти-нинг мамлакатимиз ҳудуд-ларида қилган таширфлари яқунлари бўйича берган топшириқлари, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш учун за-рур бўлган маблағлар назарда тутилган.

Олдинги йиллар каби 2019 йилда ҳам устувор йўналиш сифатида ижти-моий соҳа ва аҳолини иж-тимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари (Давлат бюд-жети жами харажатлари-нинг 54 фоизи) сақлаб қолинмоқда. Шунингдек,

иш ҳақи ва бошқа тўлов-лар миқдорларини ошириш, шу жумладан, 2019 йил 1 ян-вардан:

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарла-ри иш ҳақларини 10 фоиз-га, малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларнинг иш ҳақларини эса табақалаш-ган ҳолда 15 фоиздан 25 фоизгача;

меҳнатига кам ҳақ тўла-надиган бюджет соҳасида ишловчи ходимлар иш ҳақларини 5 фоиздан 15 фоизгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Тақлиф этилаётган чора-лар бюджет соҳасида меҳ-нат қилаётган 360 мингдан ортиқ ходимларни қамраб олиши айтиб ўтилди. Ми-сол учун, бюджет ташкило-тининг энг паст ойлик олувчи техник ходимлари-нинг иш ҳақлари, устама ва қўшимчалардан ташқари, 502 минг сўмдан 577 минг сўмгача оширилади.

2019 йилги бюджетда олий таълим муассасала-рининг ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари ҳамда уларнинг раҳбарлари иш ҳақларини 1,5 баробарга,

давлат муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг иш ҳақла-рини ўртача 26,5 фоизга (2018 йилнинг 1 декабри-дан 20 фоизга оширилиши-га қўшимча равишда) оши-риш кўзда тутилган. Шу би-лан бирга, бюджет соҳаси-да ишловчи ходимларнинг иш ҳақларини инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда ошириш ҳамда ижтимоий нафақаларни мо-лиялаштиришга мўлжаллан-ган маблағларни 20 фоизга ошириш ҳисобга олинган.

Инвестиция харажатла-ри 11,9 триллион сўм миқ-дорида режалаштирилмоқ-да. Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республика-си Президенти ва Ҳукума-ти қарорлари билан белги-ланган стратегик муҳим лойиҳаларни, шу жумладан, ичимлик суви таъминоти, сув ҳўжалиги объектлари-ни, транспорт-коммуни-ция инфраструктураларини ҳамда таълим ва тиббий ижтимоий муассасаларни ривожлантириш ва рекон-струкция қилиш дастурла-рини амалга оширишга йўналтирилади.

Шунингдек, йиғилишда 2019 йилда 12 триллион сўмдан зиёд маблаг ажра-тилаётган соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам алоҳида эъти-бор қаратилди. Хусусан,

тиббиёт муассасаларини дори воситалари ва тибби-ёт буюмлари билан ўз вақ-тида таъминлаш мақсади-да қарийб 1 триллион сўм, соғлиқни сақлаш со-ҳасидаги асосий дастур-ларни амалга ошириш учун 661,5 миллиард сўм, замонавий диагностика, лаборатория ва давовлаш ускуналари билан жиҳоз-лашга 58 миллиард сўм маблаг ажратилмоқда.

Ягона ижтимоий тўлов миқдорининг пасайтирили-ши ва фуқароларнинг маж-бурий сугурта бадаллари ва айланмадан (оборотдан) тўланадиган мажбурий аж-ратмаларнинг бекор қили-ниши муносабати билан юзага келган бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма-сининг тақчиллигини қоп-лаш ҳамда пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида сўзсиз тўланишини таъ-минлаш мақсадида 4,7 триллион сўм миқ-доридagi субсидия бюджет харажатларида кўзда тутилган.

Арзон ўй-жойлар қуриш бўйича дастурларни мо-лиялаштиришда иштирок этадиган банкларга кредит линиялари очиш хара-жатларига 3 триллион сўм миқдорида маблаглар режа-лаштирилмоқда.

Бюджет жараёнининг шафдофлиги ва ошқорали-гини таъминлаш мақсади-да Молия вазирлигида жо-рий йилнинг 15 ноябрга қадар “Фуқаролар учун бюджет” лойиҳасини омма-вий ахборот воситаларида кенг ёритиш учун вазирлик-нинг расмий сайтига жойлаштириш бўйича за-рур чораларни амалга оши-риш юзасидан топшириқ берилди.

Муҳокамалар давомиде Қорақалпоғистон Респу-бликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ша-ҳар ҳокимларининг бирин-чи ўринбосарлари, вазир-лик ва идоралар раҳбарла-рининг кун тартибидagi масалалар бўйича ҳисобот-лари эшитилди.

Вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ижрочи органлар раҳбарла-рига бюджет маблағлари-дан мақсадли фойдаланиш, бюджет даромадларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушу-мини таъминлаш, худуд-лардаги давлат солиқ ва молия органлари бўлима-рига бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва қўшимча захираларни аниқлаш бўйича аниқ вазифа-лар белгиланди.

Муҳокамалар яқуни бўйича Ўзбекистон Респу-бликасининг 2019 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет концеп-цияси, Давлат бюджети лойиҳаси ва 2020-2021 йиллар учун мўлжалланган прогност кўрсаткичларини маъқуллаш ҳамда Ўзе-бекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латасига тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

**ЎзА.**

Халқ сўзи

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Шу йилнинг 27 октябрида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 236-мактабда ноҳус воқеа рўй берди. Мактабнинг 11-“А” синфида таҳсил олаётган бир гуруҳ ўқувчилар ҳамда тарих фани ўқитувчиси ўртасида юзага келган келишмовчилик тартибсизликка айланиб, ўқитувчининг енгил тан жароҳати олишига сабаб бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ушбу воқеага бефарқ қараб туришмади. Ота-оналар ҳамроҳлигида мазкур таълим муассасасига бориб, юз берган воқеа билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.

Маҳалла бефарқ қараб турмайди

Айни пайтда ушбу мактабда Учтепа туманида жойлашган 4 та маҳалла фар-зандлари таҳсил олмақда. Жумладан, Истироҳат, Шафтолизор, Ўткир ва Жар-булоқ маҳаллаларининг фаоллари шу муносабат билан мактабда ташкил этил-ган муҳокамада ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан юзма-юз суҳбатла-шишди. Аниқланишча, таълим муасса-сасида шу кунга қадар бундай ҳолат қу-затилмаган. Ўқувчилар томонидан йўл қўйилган бу каби одобсизлик сабаби, оиладаги тарбиявий муҳит атрофлича муҳокама қилинди.

— Бола тарбиясига, яхши таълим олишига биргина мактаб жавобгар эмас, — дейди Учтепа тумани “Истироҳат” МФЙ раиси Нёъмат Рафиков. — Бунинг учун, энг аввало, боланинг ота-онаси, маҳалла ахли ҳам бирдек масъул. Шу-

ишга қўл ураётганининг сабаби нима-далигини аниқлаб олиб, шунга яраша чора қўришимиз керак. Токи, устозга нисбатан бундай ҳурматсизлик қайта такрорланмасин. Болаларни

# Дунё стратегик хом ашё мувозанатида ўзгариш ясаган йирик мажмуа

1 Комбинатда олтин ва уран ишлаб чиқариш асосий тармоқ ҳисобланиб, бу борада Мурунтов кони рудаларнинг қвариди, Қўқплатас кони эса сульфидли хом ашё турлари билан тавсифланади. Мурунтов кони комбинат хом ашё базасининг асосини ташкил этиб, қазिश ишлари очик усулда олиб борилаётганлиги туфайли у юқоридан диаметри "улкан коса"ни эслатида. Бироқ ушбу "коса"дан олинган ҳар ховуч тупроқ ҳам олтинга бойки, шу сабаб бу коннинг ўзида руда бой қатламини қидириш, ҳисоблаш, қисқа йўлар билан қайта ишлаш корхоналарига етказиш ишлари устида тинимсиз изланиш олиб борилади.



Конда бир сменада юздан ортиқ каттаю кичик техникалар, шунингдек, йўлсозлар ишлайди. Уларнинг фаолияти илгари умумий алоқа воситалари орқали мувофиқлаштирилган тўфайли қўлпал тушунмовчилик ва англашилмовчиликларга сабаб бўларди. Эндиликда эса у йўлдош навигацияси орқали ҳар бир техниккага топшириқ ва маълумот алоҳида жўнатилади. Мурунтовлик кончилар мустақиллик йилларида қўллага яна бир янгилик кон математик моделини қуриш ва унинг захираларини ҳисоблаб чиқишнинг компьютер технологияси яратилгани бўлди. Жаҳон кончилиги амалиётида илк бор қўлланган мазкур усул захираларни ҳисоблаб чиқишда 1985 йилдагига нисбатан 2-2,5 баравар самардорлики тақдим этди.

Иккинчи гидрометаллургия заводи Навоий кон-металлургия комбинати таркибиди йирик қувватлардан бири ҳисобланади. Корхона, асосан, Мурунтов кони рудаларидан валюта даражасидаги олтин ажратиб олишга ихтисослаштирилган. Завод жаҳон кончилиги амалиётида илк бор олтинни сорбцияси тиндирилган эритмалардан эмас, балки пульбанинг суюқ фазасидан ажратиб олиш технологиясини муваффақиятли жорий қилганлиги билан кончилик тарихида алоҳида эътироф этилади. Бундан ташқари, олтин электролизининг ишлов берилган электролитларидан 99,9 софликдаги палладий олиш технологияси ҳам айнан шу заводда ўзлаштирилган. Корхонанинг рудаларини қайта ишлаш қуввати илгари йилгига 23 миллион тоннани ташкил этар

эди. Олиб борилган реконструкция ва модернизация тадбирлари туфайли бу қўрсаткич қарийб 50 фоиз оширилди.

Комбинатда олтин хом ашё ресурсларининг иккинчи саноят тури — сульфидли рудалар Қўқплатас ва Даугизтов конларидан олинади. Қўқплатас кони бу ерда учинчи гидрометаллургия заводи барпо этилишига асос яратди. Бугунги кунда ушбу заводда дунё кончилиги амалиётидаги янгилик — сульфидли рудаларни оксидлашнинг бактериал технологияси жорий этилди. Мазкур технология экологик тозалик нуктаси назаридан техник тафаккурнинг ажойиб ютуқларидан бири саналиб, унда махсус бактериялар қўлланилади. Аслида, бактериялар ёрдамида оксидлаш табиий жараён бўлиб, у бир неча юз йил давомида кечеди. Заводдаги амалиётлар эса буни тездаштириб, оксидланган рудалардан маҳсулот олиш имконини беради. Ушбу концепция қайта ишланаётган сульфид рудасида металл микдорини амалда икки марта ошириш имконини яратиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, илгор техника ва воситалар шунга мос сервис хизматини ҳам талаб қилади. Айни сабабдан комбинатда автотранспорт саройлари сўнгги авлод ускуналари билан жиҳозланган, ўз лабораторияларига эга. Бу ерда автосамовал ва бошқа транспорт воситаларига қўйлаётган ёнмиғай майшай материалларининг сифати чуқур таҳлилдан ўтказилади.

Навоий кон-металлургия комбинати — илгор техника, замон талабидидаги технологиялар жамланган йирик мажмуа. Шу маънода, комбинат таркибидидаги Навоий машинасозлик заводи Қизилқум кончиларининг таянчи, десак, айни ҳақиқат. Бирлашмада металлга ишлов бериш уни қуйишдан

босим асосида буни амалга оширишга мўлжалланган махсус машиналарнинг ишга туширилиши корхона жамоасига ўта мураккаб ва йирик ҳажмдаги деталларни ҳам тайёрлашда қўл келди.

Навоий кон-металлургия комбинатида шу кунга қадар эришилган натижалар мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг инъикосидир. Бу ерда жорий этилган кучли иқтимоий ҳимоя ҳам айни сибёст самараси. Бунёд этилган спорт иншоотлари, дам олиш ва саномаатлиқни мустаҳкамлаш масканлари, сўлим гўшалардаги оромгоҳлар кончилар ва уларнинг оила аъзолари-га бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жисмоний ҳамда маънавий камолот мутаносиблигини таъминлаш билан бирга, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод каби шаҳарлар кўрқига кўрк қўшмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати бугун ўзининг олтимш йиллиги юбилейини тантана қилишга тайёргарлик қўраётди. Олтимш йилдики, у Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Комбинат бир қатор халқаро танлов, ярмарка ва бошқа тадбирларда ўз махсуслиги, интеллектуал салоҳияти билан юксак эътироф этиб келинапти.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хосан ПАЙДОЕВ ва Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

## БУЮК УЛАМОЛАР САБОҚЛАРИ

Сўнгги икки йилда мамлакатимиз ҳаётида улкан юксалишлар юз берди. Республикаимиз раҳбариятининг оқилона ички ва ташқи сиёсати узок-ўқин давлатлар билан дўстона муносабатларимизни янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар халқимиз турмуш даражасини таъмин этаётган бўлса, таълим соҳасидаги янгиланишлар ҳар бир юртдошимизга мамнуният бағишляпти.

Айниқса, диний-маърифий соҳада қатор эзгу ислохотлар амалга оширилаётгани жаҳон ахли томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган алломалар — Миср Бош имоми, Ал-Азхар мажмуаси шайхи Аҳмад Таййиб, машҳур муҳаддис Муҳаммад Авломанинг маънавий-маърифий ҳабадига муваффақиятларимизга юксак баҳо бергани фикримиз тасдиғидир.

Маълумки, Ватанимиз равнақи, миллатимиз келажакни ёшлар тим-солида кўрган Президентимиз таъбабуси билан ўтган йили Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилган эди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг очилиши эса чет эллик мутахассисларни ҳам қизиқтириб, уларни шу даргоҳда ишлашга, ўз навбатида, ҳавасманд этди.

Дунёда иқтидорсиз одам бўлмагани каби иқтидорсиз миллат ҳам йўқ. Фақат мавжуд иқтидорни юзага чиқариш учун кўп меҳнат ёхуд камроқ ҳаракат қиладиган одамлардан ташкил топган миллатлар бор. Кимнинг ёки қайси миллатнинг нимага истеъдоди борлигини билимқўчи бўлганлар кўна тарих зарваракларини саҳифалаб кўрсалар, барчаси очик-ойдин акс этади.

Ҳазрат Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркийларнинг ниҳоятда тезхотир ва илмга ташна эканини алоҳида таъкидлаб ўтган. Бу борада аждоқларимиз кашфиётларини, оламшумул асарларини санаб чиқаск адоғи чексиз. Зеро, мутафаккир бобоимз Бобур Мирзо таъбири билан айтганда, аён гапнинг баёнига не ҳолат. Аммо мавзуга дахлдор-

# Улуғ муҳаддисларга бешик бўлажак маърифат маскани

лиги боис Имом Бухорий, Имом Термизийнинг ноини фахр билан айтиб ўтсак, фикримиз тушунарлироқ бўлади, деган умиддамиз.

Юртимизга ислом дини кириб келган паллаларда миллатимизнинг табиатида ана шу муборак динга мойиллиги ҳамда миллатимиз фарзандларининг ислом динини ўрганишга, чунончи, ҳадис илмига қаттиқ иқтидори борлиги юқорида номи зикр этилган улуғ зотлар сиймосида кўзга аёқол ташланди.

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг бул меросини пухта ўрганиш, улар асос солган ҳадис илми мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, шунинг баробарида, соҳага оид олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда ҳадис илми мактаби Ўзбекистон мусулмонлари идораси

муассислигидаги олий диний таълим берувчи нодавлат таълим муассасаси ҳисобланиши кўрсатилган. Мактаб битирувчиларига диний таълим соҳасидаги бакалавр даражаси берилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур мактабда Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг асл моҳияти ўргатилиб, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш қўнимасига эга мутахассислар тайёрланади. Зотан, ҳадислардаги эзгуликка бошловчи умуминсоний

Дарҳақиқат, илм тажриба алмашиш орқали ривож топади. Шу мақсадда бу даргоҳда юртимизда асрлар давомида шаклланган ҳадис илми мактаблари аъёналари давом этирилади. Ўқув жараёнини шакллантиришда Миср, Мавритания, Туркия, Покистондаги ҳадис илмлари бўйича дунёнинг етакчи ўқув юртлири тажрибаси ўрганилиди ва уларнинг эришган ютуқлари амалиётга изчил жорий этилади.

Айни кунларда Ҳадис илми мак-

таби учун барча шароити мавжуд янги ўқув биноси барпо қилинмоқда. Дарслар замонавий педагогик технологиялар, "Устоз — шогирд" аъёналарига мос равишда ўқилиши назарда тутилган.

Ушбу масканга ҳадис илмлари бўйича илмий даражага эга бўлган малакали ўқитувчилар жалб этилган. Шу билан бирга, дунёга машҳур Ал-Азхар университети ва бошқа нуфузли тегишли хорижий ўқув юртлиридан ҳам ўқитувчилар қақариш режалаштирилмоқда.

Ҳадис илми мактаби илм-маърифат эшикларини очиб берган алломаларимиз, муҳаддис аждоқларимиз номи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Шундан экан, ушбу мактабда таълим олган ёшларимиз эртага малакали мутахассислар сифатида аждоқларимизнинг муносиб вориси сифатида камолот касб этиб, ёшларимиз онгини ёт қоялардан ҳимоя қилиш, уларда чинакам мафкуравий иммунитет шаклланиши, динимиз софлигини одамлар онгу шуурига синғдиришга муносиб ҳисса қўшади-лар, деган умиддамиз, иншооллоҳ.

Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

# Ис газидан заҳарланиш ҳолати нега кўпаймоқда?

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида истиқомат қилувчи фуқаро А. Акбаров хонадонидан ис газидан заҳарланиш оқибатида уйи берган фожиали ҳолат қалбларни ларзага келтирди. Бир оила бир вақтда тўрт нафар фарзандидан жудо бўлса... Бундан ортиқ мусибат бўлмаса керак.

## Долзарб мавзу

Кейинги пайтларда бундай нохуш хабарлар, ис газидан заҳарланиш оқибатида юз бераётган аянчали ҳолатлар кўпчилигимизга тез-тез чалинмоқда.

Ҳўш, кўнгилсиз ҳодисалар нега кўпаймоқда? Бунга ким айбдор?

**«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти берган маълумотларга кўра, 2017 йилда газ ва ҳаво аралашмаси, маъишй газ баллонлари ҳамда ис газы билан боғлиқ 74 та бахтсиз ҳодиса кузатилган. Натижада 114 нафар киши жароҳатланиб, 70 нафари вафот этган. Жорий йилнинг ўтган даври давомида эса 64 та бахтсиз ҳодиса содир бўлиши туфайли 61 нафар фуқаро вафот этган. 115 нафари турли тан жароҳатлари олган.**

Мазкур статистиканинг ўзидек, мутасадди ташкилотлар томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмаслигини ҳамда фуқароларнинг газ ва у билан боғлиқ ускуналардан хавфсиз фойдаланиш борасидаги билими ёхуд масъулиятини янада ошириш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Тўғри, ҳар йили мунтазам равишда аҳоли ўртасида "Турмушда газдан хавфсиз фойдаланиш ойланти" — "Газдан тўғри фойдаланиш" — хавфсизлигимиз кафолати" мавзусида семинарлар, ўқув машқлари ва профилактик таърибот тадбирлари ташкил этиляпти. Лекин самараси билан мақтана

олмаслигимизни юқорида қайд этилган рақамлар ҳам исботлайди.

— Табиий газга талаб, айниқса, куз-киш мавсумида янада ортади, — дейди "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Лайлихон Собирова. — Шу боис уйма-уй юриб, тушунтириш ишларини олиб борапмиз, эслатма материаллари ҳам тарқатяпмиз. Аммо аксарият фуқароларимиз бунга берафқ қарамоқда. Аслида ҳонадон эгалари газ билан боғлиқ бирор-бир ноқулайликлар сездики, дарҳол тегишли идора ходимларини чақиртириш керак. Аввало, ўз соғлигимизга ўзимиз масъул бўлишни ўрганимиз.

Фуқароларнинг газдан тўғри фойдаланиши бўйича қўнимқаларини ошириш бугуннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Боиси аксарият ҳолларда ис газы билан боғлиқ салбий ҳолатларга фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлишмоқда. Демак, газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш борасида фуқароларнинг ҳушёрлиги, соҳа вакилларининг масъулиятини ҳам тубдан ошириш чораларини қўриш жуда муҳим.

Келинг, шу ўринда ис газига оидиқили киритсак. У ўзи қанақа газ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ис газы (СО) — рангсиз, ҳидсиз ва ўта заҳарли биримка бўлиб, табиий газ, ёқилғи, қўмир, ўтин қўғларни тўқил ёнмаслиғи оқибатида ҳосил бўлади. Тугун таркибиде 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибиде эса 50 — 60 фоизгача ис газы бўлади. У организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ ге-

моглобин билан қислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма — карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга қислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса аноксияга олиб келиши, нафас олинувчи ҳаво таркибиде 0,1 фоиз ис газынинг қолди бўлиши инсон ўлимигача олиб келиши мумкин.

Табиий савол туғилади, ис газы билан заҳарланиш ҳолатларига, асосан, истеъмолчилар сабаб бўлаётган экан, унда мутасадди ташкилотлар қаерга қарашяпти? Аслида кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда масъулият кўпроқ улар зиммасига тушмайди.

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 ноябрда тегишли қарори қабул қилинган бўлиб, унда аҳоли хонадонларини иситиш, уларнинг маишйи эҳтиёжлари учун табиий ҳамда суўютлирилган газ, қаттиқ ёқилғидан фойдаланишда бахтсиз ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда хавфсиз фойдаланиш қоидаларини аҳолига кенг миқёсда тушунтириш, таърибот ишларини олиб бориш юзасидан топшириқлар берилган, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи вакили Самандар Ҳикматуллоев. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматов бошчилигида ваколатли вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат комиссия ҳам ташкил этилганки, айни пайтда комиссия аъзолари аҳоли хонадонлариде иситиш тизимини ва ёқилғи махсуслотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини ўрганиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасидаги ишларни қучайтирган.

Газдан келиб чиқадиган хавфни бартараф қилишнинг бир қатор йўллари бор. Аввало, қўлбюла ва носоз газ қурилмаларидан фойдаланмаслик,

газни ёқиб хонада ўхламаслик, агарда уйда газ ҳиди пайдо бўлса, дарҳол газ қурилмаларининг ўжрагини беркитиш, эшик ва деразаларни очиш лозим. Бундай ҳолат кузатилганда гугурт қақиш, электр ёритиш асбоблари ва қурилмаларини ишлатиш, ёқиш ҳам, ўчириш ҳам мумкин эмас.

— Газ плитасидан фойдаланиш чоғида, албатта, дудбўрон яхши ишлаб туриши керак, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Пулатов. — Яна бир муҳим жиҳатга одатда кўпчилик эътиборсиз бўлади. Иситиш мавсуми бошланишидан олдин газ ва газ ускуналариде, дудбўрон ва мўриқонларини мутахассислар назоратида текшириш лозим. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида 1080 дан ортиқ дудбўронлар носоз эканлиги аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди. Уй қуриш давомида, у қўн қаватли бўладими ёхуд яқка тартибдаги ҳовли-жойми, албатта, газ ўтказиладиган тармоқларни мукамал ўрнатиш керак. Одамлар ҳам, масъул ташкилотлар ҳам масъулиятни тўлақонли ҳис қилишлари, ўзаро ҳамкорликни қучайтиришлари зарур.

Маълумотларга қараганда, чет давлатларда ис газыдан заҳарланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар жуда ҳам учраб экан. Сабаби уларда ис газы ҳидсиз ва рангсиз бўлгани учун одам сезмаслигини инобатга олиб, унинг махсус жойларига детектор ўрнатилади. Бу қурилма ис газы чиқса, сигнал бериб огоҳлантиради. Юртимизда ҳам ушбу тажриба билан ўрганиб, ана шундай воситаларни қўллаш, керак бўлса, ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Чўнки гап инсон ҳаёти ҳақида кетар экан, унинг хавфсизлиги йўлида ҳар қандай чорани қўриш зарур.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Сохта пулни аслидан қандай ажратиш мумкин?



Эндигина 22 ёшга кирган Зиёвуддин Илҳомидинов ҳали оила қуриб, рўзгор ташвиши гарданига тушмасидан енгил пул топиш пайини қўзлаб, энг қаҳиқ йўллардан бирини танлади. Доимий иши ва даромади бўлишига қарамай хомхаёлларга берилган Зиёвуддин 50 минг сўмлик купюрани компьютер ҳамда рангли принтер ёрдамида қалбақлаштиришга уриниб, қайсидир маънода бунинг уйдасидан ҳам чиқди.

Аммо тез орада Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси Оҳан-гарон шаҳар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор хатти-ҳаракатлар натижасида сохта пул ясаган шахсининг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

— Уйимдаги компьютер ва принтер ёрдамида тахминан 1,5 млн. сўм атрафида 50 минг сўмлик купюрани тайёрладим, — дейди З. Илҳомидинов. — Олмалиқ шахрига бориб, дўконларга ўтказдим. Кейин Фаррух Тожибоев ҳам мендан пул сўради, унга ҳам иккитасини бердим.

Ёлғоннинг умри қисқа, ҳаром эса ҳалолга ярамайди. Зиёвуддин бунни кўп ўтмай содир бўлган бир воқеа сабаб англаб етди.

— Бир кун машинада автохалокатга учрадим, — дейди у. — Шундан сўнг қилган ишимнинг хатолигини тушундим ва ярим тунда ёнимда қолган барча купюраларни ёқиб юбордим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори Фазлиддин Бозоровнинг сўзларига



нинг бўртиб туриши ва арканнинг тағида оқ рангли бўёқда босилган Ўзбекистон Республикасининг харитаси орқали тезда аниқлаб олиш мумкин. Банкнотнинг пастки қисмидаги нақшда яширин тасвир мавжуд бўлиб, бу лотин ёзувидаги UZ сўзидан иборат. Бу ҳам маълум қиялик бурчагида бемалол кўринади. Компьютер ва принтер воситаси орқали ушбу элементларни кўрсатиш имконияти мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳуқуқбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Ушбу моддага кўра, ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркарлар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаёи ёки уларни ўтказиш икки йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида эса пуллари қалбақлаштириш билан боғлиқ жами 51 ҳолат аниқланган бўлиб, ҳуқуқбузарлардан 5000 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 5 миллион 356 минг сўм сохта пуллар далилий ашё сифатида олинган. Қалбаки пул тайёрлаш билан боғлиқ ҳолатларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва вилоятига тўғри келмоқда — жами 33 та ҳолат. Шунингдек,

Самарқанда 6 та, Наманганда 5 та, қолган вилоятларда эса биттадан шу каби жиноятлар аниқланган.

Мамлакатимизда қонун устувор. Шу боис бу борада ҳуқуқбузарликларни содир этганларнинг барчаси жиноий жавобгарликка тортилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Р. ОТАМУРОДОВ тайёрлади.

**Пудрат ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30-мавзеси, 16-«А» уйда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ал-Хоразмий филиали биноси хоналарида

### «Call-center» ташкил қилиш бўйича жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун пудрат ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.

Талабгорлар ўз таклифларини эълон чиққан кундан бошлаб 7 (етти) кун ичида қуйидаги манзилга, муҳрланган ва имзоланган конвертда тақдим этишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.**

Телефонлар: 78-120-45-72, 78-120-45-61.

Хизматлар лицензияланган.



# Етиштирилган пахта ҳосилини тўлиқ териб олайлик!

## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

### Хурматли юртдошлар!

Юртимизда Мухтарам Президентимиз бошчилигида ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг даромадларини ошириш, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, мамлакатимизнинг изчил тараққий этиши учун барча шароитларни яратиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодий фаровонликка эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, ривожланган давлатлар таърибаси шуни кўрсатадики, бу улкан меҳнат ва машаққат талаб қилади. Ўз келажаги, авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан белгиланган мақсадларга эришиш учун елкама-елка ва яқдил меҳнат қилишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда юртимиз деҳқонларининг куну тун машаққатли меҳнати ва катта сарфу харажатлар эвазига етиштирилган пахта ҳосилининг йғим-терим мавсуми жадал давом этмоқда.

Пахта ҳосилидан олинadиган даромад нафақат фермерларимиз даромадига даромад кўшиши, балки юртимиз ривож, хусусан, маҳалла ва қишлоқларни обод қилиш, янги уй ва йўллар қуриш, боғча ва мактаблар барпо этиш каби ижтимоий масалаларни ҳал қилишга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим!

Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида ғўза парваришlash, ҳосил етиштириш осон кечмади. Деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига яратилган ҳосилнинг айна йғим-терим мавсумида кузатилаётган об-ҳаво инжиқликларига эса барчамиз гувоҳимиз.

Айни шундай вазиятда, пахтани ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан саранжомлаб олиш, даромад манбаимизни далада қолдирмасдан, йиғиштириб олиш Сизу бизнинг, ҳар биримизнинг кўмагимизга боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги ходимларига кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги, бу йилдан пахта етиштиришни молиялаштиришнинг мутлақо янги тизими яратилгани, Сиз, миришкор деҳқонларнинг ишга бўлган муносабатингизни тубдан ўзгартирганига яқиндан гувоҳимиз.

Хусусан, пахтанинг харид нархлари ўтган йиллардагига нисбатан қарийб икки баробар оширилгани яқин тарихимизда кузатилмаган воқелиқдир.

Шундай экан, ҳар биримиз кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик елкамизга улкан масъулият юклашини ҳам ёдда тутишимиз керак! Бугунги кунда энг асосий вазифамиз — йил давомида қилган меҳнатимиз натижасини белгилайдиган пахта йғим-теримининг якуний босқичини ҳам шараф билан ниясига етказишдир!

Деҳқончилик учун ноодатий келган ушбу мавсумда оқилона иш тутаетган фермерларимиз ернинг ҳақиқий эгаси эканлигини амалда намоён этишмоқда.

Шу билан бирга, ўз ишига совуққонлик билан қараб, пахта йғим-теримини кўнгилдагидек ташкил эта олмаётганларда эса фермерлик қобилияти етарли эмаслиги кўзга ташланмоқда.

Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун, аввало, ушқоқлик билан, бор куч-гайратимизни пахта теримига сафарбар қилишимиз, ҳосилнинг бир мисколини ҳам исроф қилмасдан, уни сўнгги чаноғигача тўлиқ териб олишимиз керак!

Етиштирилган пахтани тоза териш натижасида пахта ҳосилини 3 — 5 центнерга оширишга эришиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик зарур!

Пахта ҳосили етиштиришда меҳнати сингирган барча ишчи-ҳодимлар, дала меҳнатчиларини жалб этган ҳолда, ҳар бири томонидан қолган бир чаноқ пахтагача териб топширишни ташкиллаштириш лозим.

Ҳар биримиз кунига 20 — 30 килограммдан пахта терган тақдиримизда, ҳар бир фермер оиласидан мавсумга жалб этилган ўртача 4 киши ялпи хирмонга бир центнер атрофида ҳисса қўшишини эътиборда тутишингиз фойдадан холи бўлмайди.

**Азиз фермерлар, зиммамизга олган мажбуриятни бажаришимиз шарт эканини доимо ёдда сақланг!**

Шартномавий режаларни сурункали бажармай келаётган фермер хўжаликлари билан тузилган ер ижара шартномаси бекор қилиниши ҳамда етказилган зарар тўлиқ ундириб олинишини ҳам унутмаслик лозим.

**Пахта йғим-теримига** нафақат пахта-чиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари, балки бошқа йўналишдаги фермерлар, ишчилар ҳамда меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг ҳам фаол иштирок этишларини даъват этамиз!

Бундай пайтда ўзини четга олмасдан, хирмонга муносиб ҳиссасини қўшадиган фермерларимизга эса, албатта, ўз миннатдорлигимизни билдираемиз.

**Азиз маҳалла раислари, фаоллар!**

**Қадрли ҳамюртлар!**

Машаққатли меҳнат маҳсули бўлган пахта ҳосилини охириги чаноғигача йиғиб-териб

олишда, меҳнатга яроқли маҳалла аҳли ушқоқлигини таъминлашда алоҳида ўрнат кўрсатишингизга ишонамиз!

Ишсиз маҳалладошларимизнинг йғим-теримда иштирок этиши уларнинг даромадлари ошишига ва мўлжаллаган оилавий тадбирлари, тўй-маъракаларини ўтказиши учун қўшимча маблағ топишига имкон беради.

Ушбу муурожаатноманинг аҳамиятини тушунтиришда сизларнинг бой ҳаётий тажриба ҳамда ташкилотчилик қобилиятингиз борлигини яхши биламиз.

Шунинг учун ҳам сизлардан ана шу салоҳиятингизни ишга солиб, ихтиёрий, аниқса, ташаббускор теримчиларни йғим-теримга жалб этишда барчамизга ҳамкор, ҳамфикр ва елкадош бўлишингизга ишонамиз.

Шу билан бирга, Юртбошимиз таъкидлаганидек мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслигингизни, 18 ёшга тўлган ёшлари пахта теримида қатнашининг олдини олишда ўз ёрдамингизни аямаслигингизни сўраймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК**  
«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар    МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар    занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар    санчкили юклагичлар

**Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар**  
**Ўзбекистонда**  
ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар    гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.  
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

**ПРОФНАСТИЛ**  
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:  
гальванизацияланган ва полимер қопламали  
**ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ**  
гофраси баландлиги: С-18, С-35, С-57  
Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.  
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**  
• 0,4 мм. — 39 700 сўм/п.м.    • 0,5 мм. — 49 800 сўм/п.м.  
• 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.    • 0,7 мм. — 71 000 сўм/п.м.

**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**  
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 53 200 сўм/п.м.  
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 57 600 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 90-996-96-63, 99-871-88-99.

**Конкурс совместных узбекско-белорусских научно-технических проектов на 2019—2020 годы**

**Министерство инновационного развития Республики Узбекистан и Государственный комитет по науке и технологиям Республики Беларусь**  
**объявляют конкурс совместных научно-технических проектов на 2019—2020 годы.**

Заявки принимаются по следующим приоритетным направлениям двустороннего сотрудничества:

- энергетика и энергосбережение;
- возобновляемая энергетика;
- медицина и медицинские технологии;
- фармацевтика;
- нано- и биотехнологии;
- химические технологии;
- новые материалы;
- информационно-коммуникационные технологии;
- цифровая экономика;
- аэрокосмическая сфера;
- робототехника;
- продовольственная безопасность;
- агропромышленные технологии;
- рациональное природопользование;
- предупреждение и устранение последствий стихийных бедствий;
- технологии управления водными ресурсами;
- технологии добычи полезных ископаемых;
- охрана окружающей среды;
- лазерные технологии и фотоника.

Заявочные документы необходимо направить в Министерство инновационного развития Республики Узбекистан до 30 ноября 2018 года.

Конкурс проводится в соответствии с соглашением между правительствами Беларуси и Узбекистана о сотрудничестве в области науки и технологий от 13 сентября 2018 года.

Министерство инновационного развития Республики Узбекистан просит направлять заявки на проведение конкурсного отбора в соответствии с соглашением между правительствами Беларуси и Узбекистана о сотрудничестве в области науки и технологий от 13 сентября 2018 года (**формы для оформления заявок можно получить на сайте Мининноваций http://mininnovation.uz**).

**Заявочные документы должны содержать** подготовленный в установленном порядке бизнес-план, письменные обязательства заказчика по практическому использованию результатов исследований и разработок.

Приоритетом пользуются научно-технические проекты, которые имеют доленое финансирование сторонних заинтересованных организаций в размере не менее 50 процентов общего объема планируемых на эти цели средств.

Заполненные формы необходимо направить в Мининноваций в печатном (в трех экземплярах) и электронном (на CD-диске) видах.

Представленные на конкурс проекты будут приняты в Мининноваций от заместителей директоров и проректоров научно-исследовательских институтов и высших учебных заведений по научным работам и инновациям.

**Телефон для справок: 71-203-32-32.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
**ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
71-232-10-63,  
71-232-11-15.  
E-mail: reklamaxs@mail.ru  
reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси  
Ишлар бошқармаси бош мутахассиси  
**Анатолий Хашимович САТТАРОВ**нинг  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва  
яқинларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан  
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 76 617 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6784  
71232-10-63

Тахриратга келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва  
муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали  
расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.  
Газета тахрират марказида терилди ҳамда оператор  
А. Исмомов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.  
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Муҳаххих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6